

А Ж Р И М

(тарафларнинг ярашганлиги муносабати билан жиноят ишини тугатиш тўғрисида)

2025 йил декабрь ойининг 2 куни жиноят ишлари бўйича Наманган шаҳар судининг очиқ сайёр суд мажлиси Наманган шаҳар Обиҳаёт МФЙ биносида бўлиб, шаҳар судининг судьяси Ш.Худаяров, судья ёрдамчиси С.Мирзаназарованинг котиблигида, тарафлардан Наманган шаҳар прокурорининг катта ёрдамчиси Б.Ғофуров, гумон қилинувчи Б.Байбабаев ва унинг ҳимоячиси адвокат А.Мелибоев, жабрланувчи М.Байбабаевани иштирокида, гумон қилинувчи Байбабаев Бахромжон Бокилаевичга нисбатан 1-1601-2506/1534-сонли жиноят иши кўриб чиқилди.

Иш ҳужжатларига кўра:

Гумон қилинувчи Байбабаев Бахромжон Бокилаевич 23.03.1988 йилда Наманган туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, мавсумий ишчи, муқаддам судланмаган, Наманган шаҳри, Камаджо МФЙ, 2-Шалола кўчаси, 13-уйда яшайди.

Суд, гумон қилинувчи ва жабрланувчининг кўрсатувларини, тарафлар фикрларини тинглаб, уларни жиноят ишида тўпланган ҳужжатлар билан таҳлил қилиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И

Байбабаев Бахромжон Бокилаевич, **2025 йил 8 август куни соат 21:00ларда** ўзининг бошқарувида бўлган ВАЗ-2106 русумли, давлат рақами 50L774НА бўлган автомашинани Давлатобод туман “Халқлар дўстлиги” МФЙ ҳудудидан ўтган “Ғалаба” кўчаси бўйлаб Наманган шаҳар-Тўрақўрғон йўналишида бошқариб кетаётиб, ҳаракат хавфсизлигини таъминлай олмасдан, Ўзбекистон Республикаси амалдаги “Йўл ҳаракати қоидалари”нинг 11-банди “г” кичик бандида “ҳаракатланиш жараёнида бошқа йўл ҳаракати қатнашчиларига, айниқса, пиёдалар, болалар, ногиронлар, қарияларга ва велосипедчиларга нисбатан эҳтиёткорлик чораларини кўриши керак”, 12-бандида “Хайдовчига қуйидагилар таъқиқланади:-транспорт воситасини мастлик ҳолатида, сезгирлик ва эътиборни сусайтирадиган дори-дармонлар таъсирида, йўл ҳаракати хавфсизлигига таҳдид соладиган даражадаги **чарчоқлик** ва бетоблик ҳолатида бошқариш;” -деб кўрсатилган қоида талабларини кўпол равишда бузиб, уларга риоя қилмасдан, транспорт воситасини чарчоқ ҳолатида бошқариб, ҳаракат хавфсизлигини таъминлай олмай бошқарувни йўқотиб, мазкур йўлнинг қатнов қисми ўртасидаги бетон тўсиққа бориб урулиб, йўл транспорт ҳодисаси содир этиб, фуқаро Байбабаева Малика Бокилаевнани ОҒИР тан жароҳати олишига сабабчи бўлган йўл-транспорт ҳодисаси содир этган.

РСТЭИАМ Наманган вилоят филиалининг 27.08.2025 йилдаги №7395/4424-сонли хулосасида М.Байбабаевани танасида аниқланган тан жароҳатлари ўнг елка суяги ўрта пастки 1/3 қисмидан ёпиқ майдаланиб



синиб силжиши, ўнг билак нерви парези кўринишида бўлиб, ушбу тан жароҳатлар оғирлик даражаси бўйича ОҒИР тан жароҳатлари гуруҳига кириши кўрсатилган.

Гумон қилинувчи Байбабаев Бахромжон Бокилаевич суд мажлисида ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, айбига тўлиқ иқрорлиги, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, содир этган қилмишининг оқибатларини англаганлиги, жабрланувчи М.Байбабаевани даволаниши учун зарур бўлган дори-дармонларни олиб бериб, ундан кечирим сўраганлиги, улар билан ўзаро ярашиб олгани, жабрланувчини ҳам унга нисбатан моддий ва маънавий зарарлар масаласида даъвоси йўқлиги, ярашув ихтиёрий бўлганлиги кўрсатма бериб, жиноят ишини тарафларнинг ярашганлиги муносабати билан тугатишни сўради.

Жабрланувчи М.Байбабаева суд мажлисида берган ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, гумон қилинувчи Байбабаев Бахромжон Бокилаевичга нисбатан моддий ва маънавий зарарлар масаласида ҳеч қандай даъвоси йўқлиги, ҳозирда М.Байбабаевани соғлиги тикланганлиги, аризани ўз хоҳиши билан ёзгани, унга бирон-бир тазйиқ бўлмаганлиги, ярашув суд томонидан тасдиқлангандан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунганлиги ҳақида кўрсатма бериб, жиноят ишини тарафларнинг ярашганлиги муносабати билан тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 66¹-моддасига мувофиқ, ЖКнинг 266-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса тарафларнинг ярашилганлиги муносабати билан жинойий жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

Суд, жабрланувчи М.Байбабаева ярашув тўғрисидаги аризасини жиноят иши ҳужжатлари билан ўрганиб, прокурор ва ҳимоячининг жиноят ишини тарафларнинг ярашганлиги муносабати билан тугатиш ҳақидаги фикрларини эшитиб, гумон қилинувчи Байбабаев Бахромжон Бокилаевичнинг айбига тўлиқ иқрорлиги ва етказилган зарарларни тўлиқ қопланганлиги, жабрланувчининг унга нисбатан моддий ва маънавий зарар бўйича даъвоси йўқлиги, гумон қилинувчининг жабрланувчига бирон-бир тазйиқ бўлмаганлиги, ярашув гумон қилинувчи ва жабрланувчининг хоҳишлари билан бўлаётганлиги, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноят Жиноят кодексининг 66¹-моддасига мувофиқ ярашувга тушишини инobatга олиб, гумон қилинувчи Байбабаев Бахромжон Бокилаевичга нисбатан юритилган жиноят ишини тарафларнинг ярашганлиги муносабати билан тугатишни ҳамда гумон қилинувчи Байбабаев Бахромжон Бокилаевични жинойий жавобгарликдан озод қилишни лозим топди.

Шу билан бирга, суд жабрланувчи М.Байбабаевага Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддаси 5-қисмига асосан ушбу ярашув суд томонидан тасдиқлангандан сўнг улар мазкур жиноят иши бўйича иш



юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишини тушунтиришни лозим деб топади.

Юқоридагиларга кўра, суд, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 423, 582, 583, 586-моддаларини қўллаб,

А Ж Р И М Қ И Л А Д И:

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 266-моддаси 1-қисми билан гумон қилинувчи Байбабаев Бахромжон Бокилаевичга нисбатан юритилган жиноят иши тарафларнинг ярашганлиги муносабати билан тугатилсин ва у жиной жавобгарликдан озод қилинсин.

Жабрланувчи М.Байбабаевага мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотганлиги тушунтирилсин.

Норози томонлар ажрим эълон қилинганидан бошлаб ўн кун ичида шу суд орқали Наманган вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига хусусий шикоят, прокурор эса протест келтиришга ҳақли.

Раислик қилувчи судья

Ш.Худаяров

